




Ал-Аксо масжиди коровули 1982 йил 93 ёшида ўз постида турган пайтида вафот этди. Куддусни тарк этиш ва Туркияга уйига кайтиш хакида буйрукни бажаришдан бош тортишини у «Куддус хар кандай буйрукдан юкори» эканлиги билан изохлаган. Турк миллатига мансуб бўлган Хасан, (93 ёш), сўнгги усмонлилар аскари ал-Аксо масжидини 1982 йил тарк этди, лекин ватанига эмас, кабрга йўл олди.

Уни 1972 йилнинг совук киш кунлари, ал-Аксо масжидида жума намозида туркиялик Хон исмли журналист тасодифан учратиб колди. У куйидаги сарлавха остида хикоя битади "Мен уни ал-Аксо масжидида таниб колдим".

Бу совук кун у Куддус шаҳри бўйлаб жума намозига кадар узок тентираб юрди. Масжид ёнига келиб колгач эса, бир карашда савдойи бўлиб кўринган бир кишига тасодифан эътибор каратади. Бу киши эшик олдида худди хайкал каби ва атрофдагилар бу қарияга кўникиб колганлиги кўриниб турарди. Мухбир ундан ниманидир сўраганида турк тилида жавоб олади. У билан мулокот жараёнида маълум бўлишича, бу Усманийлар салтанати парчаланиб кетган вақтдан масжид кўрикчиси бўлиб хизмат килган сержант Хасан Эфенди экан.

Сўнги турк кўрикчиси деди: "Биз Фаластиндаги биродарларимиз Усманийлар салтанати бизни ташлаб кетишди деб ўйламасликлари учун Куддусда колдик, биз ал-Аксо масжиди тўрт асрдан сўнг яна кўз ёши тўкишини истамасдик". У ва унинг қўл остидаги бир нечта аскар Туркия армияси шахарни тарк этганидан кейин бу мукаддас маконда тартибни сақлаш учун қолишди. Дастлаб шахарни эгаллаб олган инглизлар улар билан харбий асирлардек муносабатда бўлдилар. Бирок капрал Хасан уларни масжиддаги тартибни сақлаш ва уни кўриклаш учун қўйиб юборишларини каттик туриб талаб қилади. Инглизлар бунга рози бўладилар. Лекин вақт ўтиши билан, Хасаннинг айтишича: "узок йиллардан сўнг менинг ҳамма одамларим, Аллохнинг мархамати билан, уй уйларига қайтиб кетди, мен эса то халок бўлганимча ёки бу дунёни тарк этмагунга қадар ўз бурчимни адо этишга қарор қилдим." Турк журналисти нимадир сўраганлигини эслади ва мен унга дедим: "Ўғлим, Анатолияга қайтганингдан кейин **twk t** кишлоғига бор, у ерда мени бу постга қўйган капитан Мустафо исмли офицер бор, сен у билан учрашиб, айт: "ал-Аксо масжидини кўриклаш учун қўйилган пулемёт расчети бошлиғи, капрал Хасан ҳамон мукаддас жойдаги ўз постида турибди. Мен ўз ўрнимданман ва жойимни асло тарк этмаганман. Сен ундан бизнинг учун дуо қилиши сўра".

Капрал Хасан, ватани ва мухаббатидан воз кечиб, қалбида жасорат уйғотиб, то 1982 йил вафот этгунига қадар ўз постини тарк этмаган.

Абу Муслим (интернетдан)